




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



THE PHENOMENON OF TOLERANCE OF THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA

Rahbarkhan Khamidovna Murtazaeva

doctor of history, professor

Women of Uzbekistan, chairman of "Olima" association, National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Tolerance, youth, public policy, education, upbringing, traditions and customs.

Received: 07.11.23

Accepted: 09.11.23

Published: 11.11.23

Abstract: In the article, it is stated that in the 21st century of globalization, increasing the role and significance of the principle of tolerance in the fate of the current world, and rising to the level of an incredibly unique cultural event and phenomenon in the life of society.

It is emphasized that the Central Asian region is increasingly gaining its place in the world community and participates in socio-political and economic processes on an equal basis.

The fundamental goal of the article is to demonstrate the derivation of national and religious tolerance in this region, and the author explained that tolerance was formed in the beginning of mankind, when the civilizations of the Ancient East appeared, based on the information of the first written sources.

In the article, it is proved that the representatives of indigenous peoples of the Central Asian region have been living side by side with the peoples of other nationalities and religions since ancient times, and tolerance among the peoples has become not only a need created by necessity, but a way of life.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК ФЕНОМЕНИ

Рахбархон Хамидовна Муртазаева

тарих фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон хотин-қизлар, "Olima" ўюшмаси раиси, Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: бағрикенглик, ёшлар, давлат сиёсати, таълим-тарбия, қадриятлар, урф-одатлар.

Аннотация: Мақолада XXI аср глобаллашув даврида бағрикенглик тамойилининг бугунги дунё тақдиридаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб, дунёда бекиёс ноёб маданий ҳодиса ва ҳодиса даражасига кўтарилаётгани таъкидланади. жамият ҳаёти.

Марказий Осиё минтақаси жаҳон ҳамжамиятида тобора ортиб бораётгани, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларда тенг ҳуқуқли иштирок этаётгани алоҳида таъкидланади.

Мақоланинг асосий мақсади ушбу минтақада миллий ва диний бағрикенглик келиб чиқишини кўрсатишдан иборат бўлиб, муаллиф бағрикенглик инсониятнинг илк даврида, Қадимги Шарқ цивилизациялари пайдо бўлган пайтда шаклланганлигини биринчи асрнинг маълумотларига асосланиб тушуниради. ёзма манбалар.

Мақолада Марказий Осиё минтақасидаги туб халқлар вакиллари қадимдан бошқа миллат ва дин халқлари билан ёнма-ён яшаб келаётгани, халқлар ўртасидаги бағрикенглик нафақат зарурат туфайли юзага келган эҳтиёжга айлангани исботланган, лекин ҳаёт тарзи.

ФЕНОМЕН ТОЛЕРАНТНОСТИ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ

Рахбархан Хамидовна Муртазаева

доктор исторических наук, профессор

Женщины Узбекистана, председатель ассоциации «Олима», Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Tolerantlik, yoshlar, davlat siyosati, ta’lim, tarbiya, an’ana va urf-odatlar.

Аннотация: В статье констатируется, что в XXI веке глобализации возрастает роль и значение принципа толерантности в судьбе современного мира, и он поднимается на уровень невероятно уникального культурного события и явления в мире. жизнь общества.

Подчеркивается, что Центральноазиатский регион все больше завоевывает свое место в мировом сообществе и участвует в общественно-политических и экономических процессах на равноправной основе.

Основная цель статьи - продемонстрировать происхождение национальной и религиозной толерантности в этом регионе, причем автор пояснил, что толерантность сформировалась еще на заре человечества, когда появились цивилизации Древнего Востока, на основе информации первых письменные источники.

В статье доказывается, что представители коренных народов Центральноазиатского региона издревле жили бок о бок с народами других национальностей и религий, а толерантность среди народов стала не просто необходимостью, порожденной необходимостью, а образ жизни.

КИРИШ

Барча тарихий замонларда инсоният, одамлар, давлатлар, цивилизациялар ўртасида ҳамжиҳатлик, тинч ва тотув муносабат ўрнатиш йўлларини топишга интилиб келган. Гарчи бу соҳада саъй-ҳаракатлар ҳамиша ҳам муваффақиятли чиқавермаган бўлсада, ҳар холда маданий жиҳатдан ўзаро муносабатларга интилиши, бағрикенглик феъл-атвор таомили, доимий мақсад бўлиб қолаверган.

Демократик ислоҳотларни амалга ошириш, таъсирчан миллий сиёsat юритиш учун ёшлар орасидаги миллатлараро муносабатлар қай йўсинда ўзгартираётганлигини ўрганиш методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлардаги турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига боғлиқдир. Глобаллашув даврида дунёдаги можаролар, шу жумладан миллатлараро низолар кучаётган бир шароитда, бу муаммо айниқса муҳим ўринга чиқиб бормоқда ва ҳар қандай қўпмиллатли давлат учун ҳал қилувчи омил сифатида аҳамият касб этмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кейинги вақтларда кенг урф бўлган бағрикенглик ибораси афкор оммани тобора кўпроқ қизиқтираётгани кузатиласяпти. Айниқса, бу тушунчанинг инсон, жамият моҳиятини, ҳозирги дунё тақдиридаги аҳамиятини идрок этиш хусусида турли-туман фикрлар баён этилмоқда. Сўнгги ўн йилликда “бағрикенглик” тушунчаси жамият хаётида ғоят ноёб маданий ҳодиса даражасига кўтарилди. Дастреблабки вақтларда у муросаи-мадора маъносида истифода этилган бўлса, бора-бора маъноси кенгайди. Ҳозирги вақтга келиб, билимнинг турли соҳалари - этика, тарих, психология, педагогика, социология, фалсафа ва бошқа соҳаларда бағрикенглик тушунчасидан фойдаланилмоқда.

Бағрикенглик шунчаки тушунча эмас, балки жамият маънавий ҳаётининг таркибий қисми сифатида муайян ижтимоий-маънавий ҳодиса, хилма-хил тур, шакл ва талқинлардаги ноёб ҳолат сифатида тушунилмоқда. Бағрикенглик тамойилининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳодисаларнинг тафовутлари, зиддиятлари, фарқлари ҳакида сўз борганда унга эҳтиёж пайдо бўлади. Умуман, бағрикенглик сабрлилик ёки бефарқлик деб эмас, турли маданият, дин, антропологик тоифаларда намоён бўладиган хилма-хилликларга хурмат ва эҳтиром билан ёндашиш деган маънода талқин этиладиган бўлиб қолди. Бундаги бирдан-бир чегара ёки чеклаш шундан иборатки, хилма-хиллик уму меътироф этилган инсонпарварлик меъёрларидан четга чиқмаслиги керак, бунда инсониятнинг мазкур меъёрларни қабул қилиши назарда тутилади.

Ҳозирги кунда ушбу муаммо бутун инсоният учун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бутун дунёда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш зарурати халқаро миқёсда давлатларнинг куч-ғайратини бирлаштиришни талаб қиласи. Шу йўл билангина тинчлик ва иноқликда яшаш, ўзга маданият ва диний конфессияга, ўзга ирққа муроса мухитини яратиш, турли халқ ва миллатларнинг баҳамжиҳатлигига эришиш мумкин.

Бағрикенглик ижтимоий муносабатларнинг янги тоифаси дея талқин этилмоқда. Бағрикенглик ҳодисасининг ноёб моҳияти унинг фанлараро хусусиятидан иборат бўлиб, у шунинг учун ҳам аксарият гуманитар фанлар томонидан ўрганилмоқда. Гарчи бағрикенглик воқелигини ўрганиш соҳасида айрим натижаларга эришилган бўлса ҳам, бу тушунчанинг илмий категория сифатида амалий йўналиш моҳияти ҳалигача аниқ таърифлаб берилган эмас.

Бизнинг фикримизча, толерантлик атамасини назарий ва амалий қўллашда 1995 йилги “Толерантлик тамойиллари Декларацияси”да берилган таърифга таянмоқ керак. Мазкур таърифда бундай дейилган: фуқаролик жамиятининг қадрияти ва ижтимоий нормаси фуқаролик жамияти барча индивидларнинг турлича бўлиш, турли конфессиялар, сиёсий, этник на ўзга ижтимоий групҳар ўртасида барқарор уйғунликни таъминлаш, дунёдаги турли маданиятлар, цивилизациялар ва халқларнинг ҳар хиллигини хурмат қилиш, ташқи қиёфаси, тили, эътиқоди, урф-одатлари ва диний жиҳатидан фарқланувчилар билан баҳамжиҳат бўлиб, ҳамкорлик қилишда намоён бўлади.

Фандаги таснифлашга биноан толерантликнинг 12 та типи: гендер, ёш, маълумот, миллатлараро, ирқий, диний, жуғрофий, синфлараро, физиологик, сиёсий, сексуал-йўналишли, маргинал типлари мавжуд. Ҳозирги глобаллашув шароитида бағрикенгликни маданий тараққиётнинг зарур шарти деб билмоқ керак. Инсоният тарихида муросасизлик ҳамиша мавжуд бўлиб, урушларга сабаб бўлган. Диний таъқиблар ва ғоявий зиддиятлар фанатизмга, ҳакоратларга, ҳаёт ҳуқуқларини бузишга олиб борган. Ана шундай шароитда

халқни бағрикенглик рухида тарбиялаш доимо зарур бўлган. Бизнинг фикримизча, толерантлик атамасини назарий ва амалий қўллашда 1995 йилги “Толерантлик тамойиллари Декларатсияси”да берилган таърифга таянмоқ керак. Мазкур таърифда бундай дейилган: фуқаролик жамиятининг қадрияти ва ижтимоий нормаси фуқаролик жамияти барча индивидларининг турлича бўлиш, турли конфессиялар, сиёсий, этник на ўзга ижтимоий групкалар ўртасида барқарор уйғунликни таъминлаш, дунёдаги турли маданиятлар, цивилизациялар ва халқларнинг ҳар хиллигини хурмат қилиш, ташқи қиёфаси, тили, эътиқоди, урф-одатлари ва диний жиҳатидан фарқланувчилар билан баҳамжиҳат бўлиб, ҳамкорлик қилишда намоён бўлади. Фандаги таснифлашга биноан толерантликнинг 12 та типи: гендер, ёш, маълумот, миллатлараро, ирқий, диний, жуғрофий, синфлараро, физиологик, сиёсий, сексуал-йўналиши, маргинал типлари мавжуд. Ҳозирги глобаллашув шароитида бағрикенгликни маданий тараққиётнинг зарур шарти деб билмоқ керак. Инсоният тарихида муросасизлик ҳамиша мавжуд бўлиб, урушларга сабаб бўлган. Диний таъқиблар ва ғоявий зиддиятлар фанатизмга, ҳақоратларга, ҳаёт хукуқларини бузишга олиб борган. Ана шундай шароитда халқни бағрикенглик рухида тарбиялаш доимо зарур бўлган.

Маълумки, тарихан Марказий Осиё турли мамлакатларнинг ўзаро тўқнашуви, таъсири ва бойишига имконият яратган нукталардан хисобланади.

Шарқни ғарб билан бирлаштириб турган Буюк Ипак йўлини Марказий Осиёдан ўтгани бунинг учун қулай шароит яратган. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг бағрикенглик тўғрисидаги ғоялари, фикр ва мулоҳазалари бугунги инсоният эришган тараққиётнинг мухим омили хисобланади. Бугунги кунда бу тушунча ўтган даврлардагига нисбатан аста-секин ўзгача мазмун ва моҳият касб этиб боради.

Замонамизнинг етук олимлари ва соғлом фикрли жамиятлари инсоният бошидан кечираётган инқирозли ҳолатларнинг олдини олишда бағрикенглик тамойилини мухим асос сифатида қарамоқда. Жаҳон миқёсидаги бундай интилишлар бағрикенглик тарафдорларини бирлаштирумокда. Чунончи, айни пойта ҳам маданий савиянинг юксаклиги ва бағрикенглик-инсон ижтимоий-маънавий қиёфасининг мухим таърифи бўлиб, унинг цивилизациялашган ҳолатини, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш даражасини ифодаламоқда.

Шарқ ва ғарб мутафаккирлари яратган бағрикенгликка доир мулоҳазалар мажмуида юртимиз алломалари томонидан яратилган миллий ва диний бағрикенгликка оид ғояларнинг мухим салмоғини эътироф этиш лозим. Мухими, бу ғоялар ўзга миллат ва дин вакиллари билан ёнма-ён яшаб келган халқимизда диний бағрикенглик фақат зарурат келтириб чиқарган эҳтиёж эмас, балки ҳаёт иарзига айланган. Буни юртимизда бошқа

миллат ва дин вакилларига бўлган муносабатнинг тарихий ва замонавий ҳолати таҳлили мисолида ҳам кўриш мумкин.

Масалан, инсоният ибтидосида мамлакатимизда бағрикенглик тамойилини шаклланиши ўзига хос йўлни босиб ўтган. Толерантлик (бағрикенглик) чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бағрикенгликнинг шаклланиши ибтидоий жамият даврида инсоннинг ўзини, оламни билишга интилиши ва дунёқарашининг кенгайиб бориши, эътиқод, урф-одатлар, тасвирий санъат ва маънавий маданиятнинг вужудга келиши натижасида бошланган. Илк ёзма манбалар маълумотларига кўра, Қадимги Шарқнинг цивилизациялари пайдо бўлган даврлардаёқ ҳалқлар, жумладан, шумерлар, ҳақиқат ва яхшилик, қонун ва тартиб, адолат ва эрк, ҳиммат ва ростгўйлик ҳамда меҳрибонликни юксак баҳолаб, ёлғон ва ёвузлик, тартибсизлик, адолатсизлик, бузиб кўрсатиш ва бошқа турли иллатларни рад қилганлар[8]. Қайд этиш лозимки, Марказий Осиё жаҳон цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланади. Мил. авв. III мингийиллик охирлари – II мингийилликнинг бошларида минтақанинг жанубий вилоятлари – Марғиёна ва Бақтрия худудларида ilk давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти шаклланади. Бронза даврига оид мазкур цивилизация “Окс (Амударё) цивилизацияси” деб эътироф этилган[9]. Марказий Осиё тарихининг хусусияти шундан иборатки, ҳали олис ўтмишлардаёқ маҳаллий аҳоли таркиби турли даврларда нафақат ички ўсиш ҳисобига, балки ташки миграциялар эвазига ҳам кенгая борган. Археология маълумотларининг гувоҳлигига қараганда миграция жараёнлари энеолит ва бронза даврига келганда айниқса кучаяди. Шундай қилиб, худуднинг энг қадимги тарихи қабилавий миграциялар, турлича иқтисодий ва маданий асосдаги қабилалар ўртасидаги ассимиляция жараёнлари ҳамда узоқ давом этган ўзаро маданий ҳамкорлик билан тавсифланади. Бундай шароитда бағрикенглик мезонлари янги асосларда ривож топган.

Бағрикенгликнинг тарихий илдизларига мурожаат этар эканмиз, юқорида тилга олинган даврларнинг тарихий жараёнларларида хилма-хил эътиқодлар, урф-одатлар, моддий маданиятнинг кенг худудий доирасида ёйилишига ёрдам берган тинч таъсир йўлини кузатиш мумкин. Бу нафақат ташки маданий алоқалар, балки тўғридан-тўғри аҳоли кўчиши – миграция жараёнларига асосланган бўлиб, турли дунёқараш, маънавият синтези, шунингдек, этник қоришиб кетиш юз берди[10].

Ўрта Осиёда толерантлик қадимги илдизларини ўрганиш ёзма манбаларнинг камлиги билан чегараланади. Агар “Авесто”да бу масала диний фалсафа ва насиҳатлар билан боғлиқ бўлса, Геродот илк бор Ўрта Осиё тарихидаги бағрикенглик мавзусига оид тарихий воқеликдан келиб чиқкан ёзма маълумот келтиради. У қадимги форс шохи Кир II ва

массагетларнинг маликаси Тўмарис сиёсий муносабатлари ҳақидаги хикояда ўз аксини топган.

Қадимдан Ўрта Осиёда диний толерантлик ривожланган. Бу жараён антик даврида ҳам намоён бўлиб, илк ўрта асрларда (I-VIII асрлар) ҳалқларнинг ўзаро муносабатларида муҳим ўрин эгаллаб турган. Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши ҳалқаро муносабатлар ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Унинг тармоқлари нафақат савдо-иқтисодий алоқаларга, шунингдек, маданий мулоқотга ҳам ҳизмат қилган. Буюк ипак йўли орқали турли динлар, фалсафий қарашлар, маънавий қадриятлар, ёзув ва тасвирий санъат намуналари тарқалган. Мазкур мавзу адабиётларда етарлича таҳлил этилган. Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўрта Осиё Шарқий Туркистон ва Узок Шарқ ҳудудларига турли динларнинг тарқалишида (буддавийлик, зардуштийлик, монийлик, христиан) катта ўрин тутган. Мазкур динлар маънавият ривожида муҳим аҳамият касб этган. Кўшни ўлкаларга ёзув тизими (сўғд, парфия ёзуви) ва янги мусиқа асбобларининг кириб бориши Ўрта Осиё таъсирида рўй берди. Хитойда VII-VIII асрларда бухоролик, самарқандлик, оччилик мусиқачилар машҳур бўлган[10].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мавжуд маълумотларга кўра, аввал Шарқда, Юнонистон ва Римда диний ва дунёвий билимларнинг биргаликда мавжудлиги, ўзаро боғликлиги ва уйғуналиги натижасида умуминсоний қадриятларга интилиш муҳим аҳамият касб этган. Қадимий даврлар ва илк ўрта асрлардаги ҳалқаро маданий муносабатларида этник хусусиятлар, урф-одатлар ва диний қарашлар маданий мулоқот ва ўзаро маънавий таъсиrlарга тўсиқ бўлмаган. Шу даврларда мавжуд динлар таълимоти маънавият ва бағрикенглик қадриятлари ривожланишига катта ҳисса қўшган. Маълум тарихий босқичларида вайронкор ғоялар оқибатида вужудга келган урушлар ва истилолар турли минтақалар, умуман жаҳон барқарор тараққиётига таъсир қилган. Бироқ маънавий маданият ва толерантлик тамойилларининг янги асосларда ривожланиши йўналишида салбий аҳамиятга эга сиёсий жараёнлар ғов бўла олмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Асқаров А. Диний бағрикенглик-“Марказий Осиё тарихи ва археологияси: анъаналар, инновациялар ва истиқболлар”. Ҳалқаро илмий анжуман материаллари.- Тошкент, 2021 й. Б.37-40.
2. Сагдуллаев А.С. Бағрикенгликнинг тарихий илдизлари (қадимги давр мисолида)- Тошкент, 2018; Сагдуллаев А.С. Исторические корни толерантности в Средней Азии. Материалы международной науки конференция “Толерантность как инструмент развитие мер взаимдоверияного ”-Ташкент, 2018.

3. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик.- Ташкент, 2007, Б.183; Ўша: Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане.-Ташкент, 2010. Ўша: Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик, Ўзбекистон тарихи мутахассислик магистрантлари учун дарслик.-Ташкент. Мумтоз сўз, 2019.-Б. 475; O‘zbekistonda millatlararo munosabatlar va tolerantlik. Darslik.-Toshkent, 2020.-Б. 341 ва бошқалар.
4. Одилов А. Ўзбекистон ижтимоий-маънавий ҳаётида бағрикенглик тамойилининг тутган ўрни (ўрта асрлар мисолида). –Ташкент, 2019.
5. Саипова К. Толерантность узбекского народа к эвакуированным и депортированным народам в годы войны с фашизмом.-Ташкент, 2018.-С.90; Ўша: История национальных меньшинств Узбекистана (1917-1990 гг)-Ташкент, 2021.
6. Расулов А. Туркистан ва Волгабўйи, Уралодди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йй).-Ташкент, 2005; Ўша: Туркистан ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида татарлар.-Ташкент, 2019; Ўша: Татары в Туркестане на исламе эпох (начало XX века).-Казань, 2021; Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари.-Ташкент, 2005; Ўша: Ўзбекитонда “Миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллар мисолида)”.-Ташкент, 2009; Иноярова Д. Немецкая диаспора Узбекистана: вехи истории.-Ташкент, 2019 и другие.
7. “Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар”. Халқаро анжуман.-Ташкент, 2005, 2007:Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва ҳозирги замон.-Ташкент, 2010: Бағрикенглик-ўзаро ишончни ривожлантиришнинг воситаси сифатида. Халқаро илмий-анжуман.-Ташкент, 2018 ва бошқалар.
8. Крамер С.Н. История начинается в Шумере / Пер.с англ.Ф.Л.Мендельсона. – М.: Наука, 1965. – С.127.
9. Ламберг-Корловский К. Модели взаимодействия в III тысячелетии до н.э.: от Месопотамии до долины Инда // Вестник древней истории. – М., 1990. - №1.
10. Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия, 2004. – Б.29.
11. Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия, 2004. – Б.32.
12. Murtazaeva, R. H. (2006). Ўзбекистонда millatlararo munosabatlar va tarikhii zharaenlar: ilmiy tujplam. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ӯрта makhsus ta"lim vazirligi, Mirzo

Ulughbek nomidagi Ūzbekiston Milli Universiteti, Fakul'tetlararo Ūzbekiston tarikhi kafedrasi.

13. Murtazaeva, R. H. (2018). MODERN STAGE OF THE DEVELOPMENT UZBEKISTAN-A NEW WHORL IN FORTIFICATION BETWEEN NATION OF THE CONSENT AND TOLERANT. ISJ Theoretical & Applied Science, 3(59), 11-13.
14. Муртазаева, Р., Адилов, А., & Саипова, К. (2020). ЎРТА ОСИЁДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР МИСОЛИДА). ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 3(1).
15. Рахбар Муртазаева (2020). Узбекистан неразрывная часть мировых миграционных процессов. Общество и инновации, 1 (2/S), 25-36. doi: 10.47689/2181-1415-vol1-iss2/S-pp25-36
16. Муртазаева, Р. X. (2021). ГОСУДАРСТВА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НА НОВОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ. In Гуманитарные чтения в Политехническом университете (pp. 34-41).
17. Mannonov, A. M. (2013). Ochilov BE The Rise of significance of transport communications of Uzbekistan within the process of Silk Road Renovation. Buyuk Ipak yo ‘lining o ‘tmishi va hozirgi kuni: rivojlanishining ijtimoiy-madaniy, tarixiy, siesiy va iqtisodiy yo ‘nalishlari: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to ‘plami, Toshkent sh, 25, 13.
18. Маннонов, А. (2021). Юксак салоҳиятли ташкилотчи ва раҳбар. Восточный факел, 1(1), 3-13.
19. Маннонов, А. (2020). Ўзбекистонда шарқшунос мутахассислар тайёrlашнинг йирик маркази. Востоковедения, 1(1), 5-27.
20. Маннонов, А. (2020). Б3 Холидов—афғоншунос. Восточный факел, 1(1), 69-71.
21. Маннонов Абдурахим Сарукайлар // OS. 2022. №1.
22. Маннонов, А., & Боронов, С. (2018). Амонулла-хан – основатель независимого Афганистана. Восточный факел, 4(4), 68–73.
23. Муртазаева, Р. X. (2021). PARTICIPATION OF WOMEN OF UZBEKISTAN IN EXTERNAL LABOR MIGRATION. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 4(12).
24. Murtazaeva, R. K. (2021). Uzbekistan Is an Integral Part of Global Migration Processes. Design Engineering, 6141-6150.
25. Муртазаева, Р. X. (2005). ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т.: Янги аср авлоди, 449-478.
26. Ata-Mirzaev, O., Gentshke, V., & Murtazaeva, R. (2011). Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. (No Title).
27. Муртазаева, Р. X. (2013). КРАТКИЙ ОЧЕРК ИСТОРИИ НАРОДОНАСЕЛЕНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОГО РЕГИОНА. Вестник развития науки и образования, (2), 48-53.

28. Муртазаева, Р. (2020). Ўзбекистон–жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми. Общество и инновации, 1(2/S), 25-36.
29. Муртазаева, Р. X. (2015). Основные направления трудовой миграции Узбекистана. Вестник развития науки и образования, (2), 4-15.
30. Муртазаева, Р. X. (2018). Проявление толерантности узбекского народа в полиэтничном Узбекистане в условиях независимости. Наука, техника и образование, (11 (52)), 75-80.
31. Ata-Mirzaev, O. B., Gentške, V. L., & Murtazaeva, R. H. (2004). Mežnacional' naja tolerantnost' v Uzbekistane: istorija i sovremennost'. Universitet.
32. Ata-Mirzaev, O., Gentshke, B., & Murtazayeva, R. (2011). Multinational Uzbekistan: historical and demographic aspect. Tashkent:" Yangi Asr Avlod, 38-39.
33. Murtazaeva, R. H. (2007). Interethnic relations and tolerance in Uzbekistan. Tashkent."University, 57.
34. Ata-Mirzayev, O. B., Gentshke, V. L., & Murtazayeva, R. H. (2011). Uzbekistan mnogonatsional'nyy: istoriko-demograficheskiy aspekt [Uzbekistan multinational: Historical and demographic aspect]. Tashkent: Yangi asr avlodi.
35. Муртазаева, Р. X. (2010). Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. Узбекистан.
36. Ата-Мирзаев, О. Б., Гентшке, В. Л., & Муртазаева, Р. X. (2011). Узбекистан многонациональный. Янги аср авлоди.